



بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

الْحَمْدُ لِلَّهِ وَبِإِي الصَّالِحِينَ، وَالصَّلَاةُ وَالسَّلَامُ عَلَى إِمَامِ الْمُتَّقِينَ، وَقُدُورَةِ النَّاسِ أَجْمَعِينَ، وَعَلَى آلِهِ وَصَحْبِهِ
وَمَنْ أَفْتَنَى أَثَرُهُ إِلَى يَوْمِ الدِّينِ أَمَا بَعْدُ

ИСЛОМДА УЛУҒ ИНСОНЛАРГА ҲУРМАТ ВА ИТОАТ МАСАЛАСИ

Муҳтарам жамоат! Халқимизнинг кўп асрлик тарихидан юртдаги улуғ зотлар, уламолар, ишбошиларга ҳурмат, уларнинг ўғитларига итоат миллий кадрият ҳисобланган. Жамият равнақи, халқ фаровонлиги ушбу зотларнинг панд-насихатлари ва кўрсатмаларига амал қилишга ҳар томонлама боғлиқлиги – исбот талаб қилмас ҳақиқатдир!

“Итоат” калимаси “бўйсунуш”, “таслимлик”, “ҳукмга рози бўлиш” сўзлари билан маънодош бўлиб, уларнинг қаршисида “осийлик”, “ҳаддан ошиш” каби сўзлар туради. Итоат тўғрисида Қуръони каримнинг бир қанча оятларида сўз юритилган бўлиб, жумладан шундай дейилади:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا أَطِيعُوا اللَّهَ وَأَطِيعُوا الرَّسُولَ وَلَا تُبْطِلُوا أَعْمَالَكُمْ

яъни: “Эй, имон келтирганлар! Аллоҳга итоат этингиз ва Пайғамбарга итоат этингиз! Амалларингизни зое қилмангиз!” (Мухаммад сураси, 33-оят).

Аллоҳ таолога ва Унинг расулига итоат этиш деганда – Ислום дини кўрсатмаларига амал қилиш тушунилади. Шунинг учун ҳам буюк ватандошимиз Имом Абу Лайс Самарқандий раҳимаҳуллоҳ Аллоҳ ва Унинг расулига итоат этиш маъносидаги мазкур оятни “Аллоҳнинг фарзларига, Расулulloҳнинг суннатларига итоат этингиз” дея тафсир қилганлар.

Аллоҳ таоло ва Унинг расулига итоат қилишга буюк ажру савоблар ваъда қилинган. Бунга қарши чикқанларни қаттиқ жазодан огоҳлантирилган. Бу ҳақда Аллоҳ таоло шундай дейди:

وَمَنْ يُطِعِ اللَّهَ وَرَسُولَهُ يُدْخِلْهُ جَنَّاتٍ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ خَالِدِينَ فِيهَا وَذَلِكَ الْفَوْزُ الْعَظِيمُ * وَمَنْ يَعْصِ اللَّهَ وَرَسُولَهُ وَيَتَعَدَّ حُدُودَهُ يُدْخِلْهُ نَارًا خَالِدًا فِيهَا وَلَهُ عَذَابٌ مُهِينٌ

яъни: “...Ким Аллоҳ ва (Унинг) пайғамбарига итоат этса, уни остидан анҳорлар оқиб турадиган боғларга (жаннатга) киритур. (Улар) у ерда абадий (бўлурлар). Бу улкан ютуқдир. Ким Аллоҳ ва (Унинг) пайғамбарига итоатсизлик қилса ва ҳудудларидан тажовуз қилса, уни дўзахга абадий (қолиши учун) киритур ва унинг учун хор қилувчи азоб (бордир)”.

Муҳтарам жамоат! Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳукмларига итоат этиш ҳам Аллоҳга итоат этиш демақдир. Расулulloҳга итоат этиш У Зотнинг суннатларини лозим тутиш, нимани келтирган бўлсалар, барчасига бўйсунуш билан

амалга ошади. Аллоҳ таоло қайси пайғамбарни юборган бўлса, умматларига итоатни фарз қилган.

Суюкли Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васалламга бўйсунининг зарурлигига У Зотнинг кўплаб ҳадиси шарифларида ҳам таъкидланган. Имом Ҳоким Абу Хурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам:

كُلُّ أُمَّتِي يَدْخُلُونَ الْجَنَّةَ إِلَّا مَنْ أَبِي ، مَنْ أَطَاعَنِي دَخَلَ الْجَنَّةَ وَمَنْ عَصَانِي فَقَدْ أَبِي (رَوَاهُ الْإِمَامُ الْحَاكِمُ)

яъни: **“Бош тортувчидан таиқари умматимнинг ҳар бири жаннатга киради”,** – дедилар. Саҳобалар: **“Ё Аллоҳнинг расули, бош тортувчи ким?”** – дедилар. Шунда У Зот: **“Ким менга итоат қилса, жаннатга киради. Менга итоат этмаган кимса – бош тортувчидир”,** – дедилар.

Ушбу ҳадиси шарифда Аллоҳ ва расулига итоат этганларга охиратда нажот, итоат этмай, қарши чиққанларга азоб ва ҳалокат борлиги баён қилинган.

Муҳтарам жамоат! Итоатнинг яна бир кўриниши пайғамбар меросхўрлари бўлган уламолар ва халқнинг ўзидан сайланган раҳбарларга итоат қилишдир. Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай марҳамат қилади:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا أَطِيعُوا اللَّهَ وَأَطِيعُوا الرَّسُولَ وَأُولِي الْأَمْرِ مِنْكُمْ

яъни: **“Эй иймон келтирганлар! Аллоҳга итоат қилинг, пайғамбарга ва ўзингиздан бўлган ишбошиларга итоат қилинг”** (Нисо сураси, 59-оят).

Ушу ояти каримада келган **“ўзингиздан бўлган ишбошилар”**ни баъзи муфассирлар “уламолар” дея тафсир қилишган. Ибн Жарир Табарий “иш бошилар”нинг тафсирида машҳур саҳоба Абу Хурайра разияллоҳу анҳунинг: “Улар сизлардан бўлган амирлар”, – деб изоҳ берганини ривоят қилган (“Тафсири Табарий” 8-жуз, 492-бет).

Юқоридаги ояти карималардан маълум бўладики, мусулмон киши аввало Аллоҳ таоло ва Унинг расулига тўла таслим бўлиб, маъсият бўлмайдиган ўринда раҳбарларга итоат этиши ва бўйинсуниши лозим бўлади.

Инсон ва жамият ҳаётининг барча тармоқларини қамраб олувчи мукамал шариатимизда оддий фуқаронинг раҳбарга қай йўсинда муомала қилиш масаласига ҳам алоҳида урғу берилган. Аҳли сунна ва жамоа ақидасини баён қилувчи мўътабар манбаъларидан бири ҳисобланмиш “Ақидатут-таҳовия”да ушбу мавзуга алоҳида тўхталиб, шундай дейилган:

وَلَا نَرَى الْخُرُوجَ عَلَى أَيْمَتِنَا وَوَلَاةَ أُمُورِنَا، وَإِنْ جَاؤُوا، وَلَا نَدْعُو عَلَيْهِمْ، وَلَا نَنْزِعُ يَدًا مِنْ طَاعَتِهِمْ، وَنَرَى طَاعَتَهُمْ مِنْ طَاعَةِ اللَّهِ عَزَّ وَجَلَّ فَرِيضَةً، مَا لَمْ يَأْمُرُوا بِمَعْصِيَةٍ، وَنَدْعُوا لَهُمْ بِالصَّلَاحِ وَالْمُعَافَاةِ

яъни: **“Имомларимиз, бошлиқларимиз агарчи зулм қилсалар-да, уларга қарши чиқиш мумкин, деб ҳисобламаймиз. Улардан бирортасини қаргамаймиз. Уларга бўйсунинингдан бош тортмаймиз. Улар модомики маъсиятга амр қилишмас экан, уларга итоат қилишни Аллоҳга итоат қилиш ўлароқ фарз, деб биламиз. Уларнинг ҳаққига салоҳият, муваффақият ва саломатлик сўраб дуо қиламиз”.**

Пешқадам салафларимиздан бири ҳисобланувчи — Имом Абу Жаъфар Таҳовий ушбу жумлалари билан бўйинсинувчи инсон ва раҳбар муносабатларига доир, аҳли суннанинг муҳим масалаларига урғу бермоқдалар. Унга кўра тинч аҳоли томонидан қонуний йўл билан сайланган ҳукумат раҳбарига, ҳаттоки у жабр қилса ҳам, итоат қилиш, унинг амридан бўйин товламаслик лозим бўлади. Балки, раҳбарга бўйсуниниш ақидамизнинг аслий муҳим масалаларидан бири ҳисобланади.

Имом Таҳовий ҳазратлари айтган ушбу матнга кўплаб саҳиҳ ҳадислар асос бўлади. Жумладан Набий алайҳиссалом ўзларининг ҳадиси шарифларидан бирида шундай деганлар:

" مَنْ أَطَاعَنِي فَقَدْ أَطَاعَ اللَّهَ ، وَمَنْ عَصَانِي فَقَدْ عَصَى اللَّهَ ، وَمَنْ يُطِيعِ الْأَمِيرَ فَقَدْ أَطَاعَنِي ،
وَمَنْ يَعْصِي الْأَمِيرَ فَقَدْ عَصَانِي " (رَوَاهُ الْإِمَامُ الْبُخَارِيُّ وَالْإِمَامُ أَحْمَدُ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ) .

яъни **“Ким менга итоат этса, Аллоҳга итоат этибди. Ким менга осий бўлса, Аллоҳга осий бўлибди. Ким амирга итоат этса, менга итоат этибди. Ким амирга осий бўлса, менга осий бўлибди”** (Имом Бухорий ва Имом Аҳмад ривоятлари).

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган бошқа ҳадисда Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам:

" اسْمَعُوا وَأَطِيعُوا وَإِنْ أَسْتَعْمَلَ عَلَيْكُمْ عَبْدٌ حَبَشِيٌّ كَانَ رَأْسَهُ زَبِيئَةً " (رَوَاهُ الْإِمَامُ الْبُخَارِيُّ وَالْإِمَامُ أَحْمَدُ) .

яъни: **“Қулоқ солинлар ва бўйсунинлар! Гарчи сизларга боши майиздек ҳабаший бошлиқ этиб тайинланган бўлса ҳам”,** – деганлар (Имом Бухорий ривоятлари).

Муҳтарам жамоат! Раҳбарга қарши исён – аслида хаворижларнинг тутган йўлидир. Хаворижлар ҳатто улуғ саҳобий ҳазрати Али разияллоҳу анхунинг раҳбарлигини тан олмай, у кишига қарши чиқиб, Ислом тарихида биринчи исёнга асос солган тоифа бўлган. Афсуслар бўлсинки, ҳазрати Алидек улуғ зотнинг раҳбарлигига қарши чиққан ушбу тоифанинг издошлари ҳозиргача мавжуд.

Ибн Аббос разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадиси шарифда Набий саллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар:

" مَنْ كَرِهَ مِنْ أَمِيرِهِ شَيْئًا فَلْيَصْبِرْ؛ فَإِنَّهُ مَنْ خَرَجَ مِنَ السُّلْطَانِ شَبْرًا مَاتَ مِيتَةً جَاهِلِيَّةً " (رَوَاهُ الْإِمَامُ الْبُخَارِيُّ)

яъни: **“Кимки амирнинг бирор нарсасини номаъқул кўрса, унга сабр қилсин. Чунки, ким подшоҳнинг итоатидан бир қарич бўлса-да ташиқари чиқса, шубҳасиз, жоҳилиятда ўлади”** (Имом Бухорий ривоятлари).

Аллома Ибн Ҳажар Асқалоний раҳимахуллоҳ бу ҳадисни шарҳида шундай дейдилар:

فِي الْحَدِيثِ حُجَّةٌ فِي تَرْكِ الْخُرُوجِ عَلَى السُّلْطَانِ وَلَوْ جَارَ وَقَدْ أَجْمَعَ الْفُقَهَاءُ عَلَى وُجُوبِ طَاعَةِ السُّلْطَانِ الْمَتَّعَلِبِ وَالْجِهَادِ مَعَهُ ، وَأَنَّ طَاعَتَهُ خَيْرٌ مِنَ الْخُرُوجِ عَلَيْهِ لِمَا فِي ذَلِكَ مِنْ حَقْنِ الدِّمَاءِ وَتَسْكِينِ الدِّهْمَاءِ

яъни: **“Бу ҳадисда султон агарчи золим бўлса ҳам, унга қарши чиқилмаслигига ҳужжат бор. Фуқаҳолар ҳукумат раҳбари бўлиб турган султонга итоат қилиш ва унинг ёнида туриб душманга қарши жанг қилиш возжиблигига бир овоздан ижмоъ қилганлар. Шунингдек, султонга итоат қилиш, унга қарши исён кўтаришдан яхшироқдир. Чунки султонга итоат билан кераксиз гам-ташвишларга барҳам берилади ва қон тўкилишининг олди олинади”** (**“Фатхул-Борий шарҳи саҳиҳил-Бухорий” 13-жуз, 9-бет**).

Ҳижрий II асрда яшаб ўтган рухий тарбиянинг етук машойхларидан бири бўлган – “Обидул Ҳарамайн” (“Масжидул Ҳаром” ва “Масжидун Набавий”нинг обиди) деган лақабга эга бўлган зот – Фузайл ибн Иёз раҳимахуллоҳ айтадилар: **“Агар менга биргина ижобат бўладиган дуо берилса, уни албатта раҳбарнинг ҳаққига қилган бўлардим. Зотан, агар ўша дуони ўзимнинг ҳаққимда қиладиган бўлсам, унинг натижаси ўзимдан нарига ўтмайди, аммо раҳбарнинг ҳаққига қилсам, эл-юртга фойда келтиради”**.

Машхур тобеинлардан бири Абу Муслим ал-Ховланий раҳимахуллоҳ шундай дейдилар:

إِنَّهُ مُؤَمَّرٌ عَلَيْكَ مِثْلَكَ، فَإِنْ اهْتَدَى فَاحْمَدَ اللَّهَ، وَإِنْ عَمِلَ بِغَيْرِ ذَلِكَ؛ فَادْعُ لَهُ بِالْهُدَى، وَلَا تُخَالَفْهُ فَتَضِلَّ.

яъни: “Сизнинг устингизга Аллоҳ томонидан худди сиз каби бир инсон бошлиқ қилиб қўйилган. Агар у тўғри йўлда бўлса, Аллоҳга ҳамд айтинг! Агар бундай бўлмаса, уни Аллоҳ тўғри йўлга солишини сўраб, унинг ҳаққига дуо қилинг! Унга қариши чиқманг! Акс ҳолда – адашасиз”.

Ҳижрий IV аср бошларида яшаб ўтган зоҳид ва обид зотлардан яна бирлари Аллома Абу Муҳаммад Барбаҳорий раҳимаҳуллоҳ айтадилар:

إِذَا رَأَيْتَ الرَّجُلَ يَدْعُو عَلَى السُّلْطَانِ ، فَأَعْلَمْ أَنَّهُ صَاحِبُ هَوَى ، وَإِذَا رَأَيْتَ الرَّجُلَ يَدْعُو لِلسُّلْطَانِ بِالصَّلَاحِ ،

فَاعْلَمْ أَنَّهُ صَاحِبُ سُنَّةٍ

яъни: “Подшоҳга дуойибад қилаётган кишини кўрсангиз, билингки, у нафси-ҳавосига эргашувчи кишидир. Подшоҳнинг салоҳиятини сўраб, уни дуойи хайр қилаётган кишини кўрсангиз, билингки, у суннатга эргашувчи кишидир”.

Муҳтарам жамоат! Бугунги кунда Ватанимиз ўз эркига эга бўлиб, тараққиёт сари жадал одимлаб борар экан, шуни унутмайликки, атрофда халқимиз тинчлиги ва равнақига раҳна соладиган ғаразли кучларнинг ҳам ҳаловати йўқолиб бормоқда. Натижада парокандалик чиқариш ниятида турли-туман фитна иддаоларни тарқатиш билан аҳоли орасида беқарорлик ва ишончсизлик кайфиятини ёйишга ҳаракат қилмоқдалар. Давлат раҳбари ва ҳукуматга итоатда бўлишни “ғайри исломий” деб тушунувчи ўша кимсалар ўзларини гўёки адолатпарвар, исломга тўлиқ амал қилувчи комил мусулмон қилиб кўрсатишади. Аслида, воқеълик уларнинг шариатимизда айни ушбу мавзу билан боғлиқ аҳкомларни мутлақо билмаслиги, бунинг оқибатида уларнинг тутган йўли фақат вайронкорликка, мусулмонларнинг зарарига хизмат қилаётганидан далолат бермоқда.

Муҳтарам жамоат! Мавъизамизнинг фикҳий масалалар қисмида ҳанафий мазҳаби бўйича бомдоднинг фарзига етиб келган киши суннатни ўқиш тартибини баён қиламиз.

Бомдоднинг икки ракат суннاتини ўқимаган одам имомни фарз намозида топса, қарайди: агар суннатни ўқиса, ҳеч бўлмаганда фарзнинг бир ракатига улгурадиган бўлса, суннатни ўқиб, сўнгра имомга иқтидо қилади. Мана шунда ҳам суннат, ҳам жамоатнинг фазилатига эришади. Чунки Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар:

"مَنْ أَدْرَكَ رَكْعَةً مِنَ الصَّلَاةِ فَقَدْ أَدْرَكَ الصَّلَاةَ"

(رواه الإمام مسلم والإمام ابن ماجة عن أبي هريرة رضي الله عنه)

яъни: “**Ким намоздан бир ракатни топса, ҳақиқатан ўша намозни топибти**” (Имом Муслим ва Имом Ибн Можа ривоятлари). ”

Бундай ҳолатда суннатни фарз ўқилаётган сафда ўқимади. Чунки уламолар бундан қайтарганлар, макруҳ бўлади. Балки, имкон бўлса, бошқа хонада ёки сафдан узоқроқ жойда ўқиб, тезлик билан жамоатга қўшилади. Агар суннатни ўқиса, фарзнинг бир ракатига ҳам улгурмайдиган бўлса, суннатни ўқимасдан, фарз ўқиш учун жамоатга эргашади. Чунки жамоатга эргашининг савоби суннатни ўқиш савобидан кўпроқдир. Жамоатни фазилати ҳақида Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар:

"صَلَاةُ الْجَمَاعَةِ تَفْضُلُ صَلَاةِ الْفَدِّ بِسَبْعٍ وَعِشْرِينَ دَرَجَةً"

(رواه الإمام البخاري والإمام مسلم عن عبد الله بن عمر رضي الله عنه)

яъни: “**Жамоат билан ўқилган намоз ёлғиз ўқилган намоздан йигирма етти даража афзалдир**” (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривоятлари).

Шуни ҳам унутмаслик керакки, бомдоднинг фарзига қўшилгани сабабли ўқилмай қолган бомдоднинг суннاتини фарздан кейин ўқилмайди. Балки суннат бундай кишидан соқит бўлади. Чунки бомдодни суннати фақат бир ўринда қазо қилинади. У ҳам бўлса, бомдоднинг суннати фарзи билан бирга қазо бўлиб, бугунги бомдод намозининг қазосини завол вақтигача ўқийдиган киши суннатини ҳам бирга қазо қилиб ўқийди, заволдан кейинга қолса, фақат фарзи ўқилади (*“Фатху бабил иноя”* ва *“Ҳидоя”* китоблари).

Аллоҳ таоло қилаётган ибодатларимизни даргоҳида мақбул айласин! Юртимизни турли фитна ва офатлардан паноҳида асрасин! Шариатимиз кўрсатмаларини мукамал ўрганиб, унга амал қилиб боришимизга муваффақ этсин! Омин!

Муҳтарам имом-домла! Келгуси жума маърузаси “ҲАЛОЛ КАСБ – БАРАКА КАЛИТИ” мавзусида бўлади.